

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 14 август, 168 (2996)

Чоршанба

Ўзбекистон ва жаҳон

Германияда кўргазма

Лейпциг савдо-саноат палатасида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда қирқдан зиёд Германия фирмалари вакиллари, тадбиркорлар ва етакчи иқтисодчилар иштирок этишти.

Кўргазмада иштирок этган Лейпциг савдо-саноат палатаси президенти В. Топф Ўзбекистон Германиянинг Саксония ўлкаси учун энг муҳим ҳамкор эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси В. Норов йилнинг охирида Германияда амалга оширилётган иқтисодий-иқтисодий ислохотлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Кўргазма давомида Германиялик ишбилармонлар Марказий Осиё бозорларининг аҳоли, шартномалар тузиш жараёни, истеъмолчиларнинг ҳарид қобилияти ва техник маҳсулотлари оид бирикми мажлаҳларида оид батафсил маълумот олдилар.

«Жаҳон» АА.

Ҳамкорликда ҳикмат мўл

Англиянинг Ллойд синдикати гуруҳга кирувчи The Insurance Group ҳамда Ўзбекистоннинг ҳусурий таъбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта қилиш бўйича «Мадад» агентлиги ҳамкорликда қорхона тузишга қаратилган ҳужжат имзоладилар. Ушбу қорхона Ўзбекистоннинг кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизмат сифатини яқинроқ талаблар даражасига олиб чиқиш имконини беради.

«Туркистон-пресс».

Анжуман

Жорий йилнинг 12-13 август кунлари Темурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё тарих кўзгусида: энг қадимдан ҳозиргача» мавзусидаги халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Марказий Осиё: кеча, бугун, эртага

ЎзР ФА Тарих институти билан Жанубий Кореянинг Осиё тарихи ва маданияти институти ўзаро ҳамкорликда уюштирган маъруза анжуманининг асосий мақсади Марказий Осиёнинг энг қадимий давр тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган тарихини ўрганиш борасида эришилган сунги натижаларни тўғрисида ўзаро фикрлашиш, Ватанимиз тарихининг кенг илмий жамоатчилиikka номаълум бўлган қирраларини еритиб беришдан иборат.

Анжуманда Марказий Осиё ҳудудидagi қадимий цивилизациялар, юртимизда илк барпо этилган шаҳарлар ва шаҳарсозлик анъаналари, минтақадаги қадимги давлатлар ҳамда давлатчилик тарихи, шунингдек, мамлакатимизнинг ўрта асрлар ҳамда чор Россияси ва совет мустақиллик давридаги тарихи, ниҳоят, мустақиллик йилларидаги янги тарихга доир қизиқарли маърузалар ҳам бўлди. Илмий анжуманда Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар, қozoқлар, қорейслар, киргизларнинг этник тарихи, этногенези ва минтақадаги этносларнинг жараёнларга бағишланган маърузалар ҳам анжуман аҳлида катта қизиқиш уюртди.

Анжуманда 10 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг 16 нафар илмий олимлари, жумладан, АҚШ, Франция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг илмий тадқиқотчилари иштирок этди.

Муфтилло ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик одамлари

«...Марҳаматга, Умурзоқ Қорабев номидаги ширкат хўжалигига боринг, ҳақиқий пахтани ўша ерда кўрасиз», деб маслаҳат беришди Андижон вилояти ҳокимлигиди. Бизни пишиқ-пукта, дўппи ва этик кийган киши табассум билан қарши олди: «Хуш келибсизлар!»

Отахоннинг қадрдон тупроғи

Сўхбат бошланди. Отахон Адиматов хўжаликни бошқариётганига ҳали кўп бўлгани йўқ экан. Уни ўтган йили май ойида ўтказилган умумий йилги ўқувлар билан раисликка сайлашди. Шу пайтгача узоқ йиллар галлачилик бригадасини бошқарган. Маълумки, қишлоқда бригадир энг масъул шахс: ҳамма нарсани мироб, тракторчи, зеню бошлиғи эмас, айнан бригадир жавоб беради. Мана шу лавозимда 1999 йилда мамлакат галла мустақиллигига қўшган улкан ҳиссаси учун Отахон Адиматов «Ўзбекистон Отахон» олий унвонига сазовор бўлган эди.

Энди унинг қаршисида янги ўқувлар очилган — бир эмас, икки эмас, йигирмата бригадага раҳбарлик қилади. Янги вазифага дастлаб кечани кеча, кундузи кундуз демай ишлади. Ҳамма нарсани икки-чиқригача ўрганиб чиқди, одамлар билан яқиндан

таниши, ер тузилмасини, машина паркни, бухгалтерияни ўрганди. Ҳамқишлоқлари бошланғиқ унинг кўнглига кирди. Наҳажада йил яхши кўрсаткичлар билан яқунланди: 724 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 30 ўрнига 38 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил эса режани сентябрь ойининг дастлабки кунларидаёқ уладлашмоқчи. Бу дедики ниятининг асоси бор, албатта — қўпгина майдонларда пахта очилиб қолган. — Бу йил ҳар гектар майдондан 60 центнердан ҳосил кўтarmoқчимиз, — дедики Отахон ака. Унинг дақиқлари жуда ишончли. Утган йили чигитни плёнка остига бир қатордан экишган бўлса, бу йил эса икки қатордан экилган. Илгари ҳар гектар майдондан юз минг туп ўстиришган бўлса, бу йил кўчатларнинг сони 50 мингга қўпайган. Ишонг кўзни бетиш шўх



Ҳўжаликда ҳар бир қарич ер эҳтиёт қилинади, ҳар томи сув тежалди. Мамлакатда пахтани плёнка остига экиш ташаббуси айнан мана шу ерда бошланган. Бошқа чораси ҳам йўқ: статистика маълумотларига қараганда, Андижон вилояти бутун МДХда аҳоли энг зич жойлашган минтақа ҳисобланади. Аҳоли фақат ўзининг кучи ва маҳоратига ишонади, экин майдонларидан умумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Она замин бу ғамхўрликка лойиқ жавоб қайтаради. Боглардаги дарахтар шохлари мевадан эғлиб турганини, полди ва сабзавот маҳсулот-

лари кўзни ўйнатишини бир кўрсангиз эди! Галла сотиш режаси ҳам уудаланган — 82 центнердан бугдой ҳосили олинган. Бу ўтган йилдагидан 16 центнер кўп бўлиб, тумандаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Яна бир нарсани эътиборини тортиш: ҳар бир ўл ва дала шийони ёнида, сўқмоқ ва йўллар бўйида гул ўсиб ётибди. Улар баҳордан қузагача кўзни қувантирди. Мен бундай гузаликни ҳали кўрмаган эдим. Табиатнинг ўзи ҳам кишилар қиёфасига таъсирини ўтказган: ҳаммининг тили ширин, болага ҳам сизлаб умода қилинади. Фарғона во-

дийсига «Олтин, гуллаб-йашнаётган водий» деган таъриф бежиз берилмаган!

Раис билан мана шу азиз ер, сўнги ўн йилда деҳқонлар энгил нафас олгани, ўзини ҳақиқий хўжалик ҳисоблагани ҳақида таллашмиш. — Ҳеч нарсани омондан тушиб қолмайди ахир. Бу неъматларнинг барчаси Отахон Адиматов сингари кишиларнинг машаққати меҳнати самарасидир. Шунинг учун ҳам у мана шу заминда яшаётганидан ниҳоятда бахтиёр!


Руслом ШАҒАЕВ, ЎА махсус мухбири. Муаллиф олган сурат.

Олий Мажлисининг IX сессияси олдидан

Ҳуқуқий асос

Мамлакатимизда селекция ва уруғчилик борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу тармоқни тубдан ислоҳ қилмай туриб, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш қийин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилаётган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу масаланинг сессия кун тартибидан ўрин олиши бежиз эмас. Биринчидан, 1996 йилда қабул қилинган қонунимиз бугунги кун талабларига жавоб берай қолди. Иккинчидан, уни янада мукамаллаштириш орқали селекция ишларини юқори поғоналарга кўтариш зарурати туғилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўқин ҳаёт манбаи» номи асарига қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг йўллари ва шакллариини илмий асослаб берди. Дарҳақиқат, селекция ишларини яхшилаш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, экинлар ҳосилдорли-



гини, шунингдек, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш селекциячилик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ.

Бу бордаги илмий излашлар туфайли кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, эртапишар, қурғоқчилик ва касалликларга чидамли ўнлаб янги навлари яратилди. Уларни амалиётга таъбиқ этиш натижасида республикамизнинг иқтисодий қудрати юксалмоқда. Гузанин «Бухоро-6», «С-6524», «С-6530», «Қарши-8», «Қарши-9», «Қарши-10», «Бухоро-7» каби истиқболли навлари Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитларига яхши мослашган. Масалан, ниҳоятда қурғоқчил келган 2001 йилда пахтанинг «С-6530» навидан Қашганида «Қашқадарё» жамоа ширкати хўжалигига гектардан 30 центнер ҳосил олинди.

(Давоми 3-бетда).

Долзарб мавзуда сўхбат

Етук кадр ҳар ерда керак

Бозор иқтисодиёти даврида иш ўринлари учун рақобат ҳам қизғинлашади. Рақобат бор жойда эса танлов, саралов кучади. Меҳнат бозориди кадрларни саралашнинг бош мезони — етук малака, профессионализм, аъло даражадаги мутахассисликдир. Ўз ишининг устаси бўлган одамга ҳозирги ҳаётда иш ҳам, буюртма ҳам топиллади.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маркетинг хизмати маркази бошлиғи Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ биз билан сўхбатда ана шундай фикр-уйларни изҳор этди. Сўхбатимиз мавзуси эса 2001-2002 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалаврлик ва магистрлик босқичларини битириб чиққан ёшларнинг иш билан таъминланиши масаласи эди.

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг соҳа ва тармоқлари юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш вазифаси фақат олий ва ўрта махсус таълим тизимида ёшларни ўқитиш, уларга касб-ҳунар, мутахассислик ўргатишнинг ўзи билан чекланмайди, — деди А. Маманазаров. — Шу билан бирга, ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларнинг иш билан таъминланишига ҳам эришиш зарур.

Тўғри, бизнинг давримизга келиб, соғиқ совет тузуми шароитида амалда бўлган — кадрларни мажбурий ишга тақсимилаш тақрибасидан воз кечилди. Лекин бу кадрларни ишга жойлаштиришнинг ўз ҳолига ташлаб қўйиш, дегани эмас. Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртларини битириб чиқаётган ёш мутахассислар ҳаётда ўз ўринларини топиши зарур. Шу

фари — бакалавр, 3 мингдан зиёдлари — магистр. Демак, бу йил олий таълим муассасалари мутахассис кадрларга талаб, эҳтиёж деярли икки баробардан кўпроқ. Умуман кейинги йилларда бу талаб ва эҳтиёж тинмай охиб борапти. Масалан, 2002-2003 ўқув йили учун истиқбол кўрсаткичлари бўйича буюртмалар сони 80 минг нафар атрофида. Бу олий таълим муассасаларига қабул миқдорини ва қабул йўналишларини ҳам белгилаш имконини беради. Ҳозир мамлакатимиздаги 61 та олий ўқув юртида бакалаврият даражаси учун 208 мингдан ортиқ талаба таълим олмақда.

Магистратура даражасида мутахассислар тайёрлаш 45 та олий таълим муассасасида амалга оширилмоқда. Уларда 7 мингдан ортиқ магистр воёга етмапти.

— Энг катта эҳтиёж қайси мутахассисларга сезилипти? — Масалан, педагог кадрлар тайёрлаш шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, мамлакатимизда вужудга келаятган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари каби янги турдаги таълим муассасалари учун мутахассис педагог кадрларга талаб йил сайин қўпаймоқда. Аниқроқ қилиб айтсак, 2001-2002 ўқув йилига қўшимча педагог кадрларни бўлган эҳтиёж 17 минг нафарини, 2002-2003 ўқув йилига — 22,5 минг нафарини, 2003-2004 йил ўқув йилига — 29,5 минг нафарини, 2004-2005 ўқув йилига — 28,8 минг, умуман 5 йил учун 97,8 минг нафар кадрларни ташкил этди.

Халқ таълимни вазирлиги

тасарруфидаги таълим муассасалари, яъни мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда олий таълим муассасалари педагог кадрларга бўлган эҳтиёж 2005 ўқув йилигача 100 мингга яқин мутахассис педагог кадрларни етиштиришни тақозо этади.

— Ҳозирги олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш амалиётида таълимнинг учун яна қандай таъбирлар қўрилмоқда?

— Маълумки, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов 2001 йилнинг май ойида Олий Мажлисининг V сессиясига сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш республикамизда устувор йўналишга чиқариш вазифасини қўйган эди. Худди шу нутқда мактаблар ва олий ўқув юртларида дастуриятга бўйналдишлардаги таълимнинг жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиш кераклиги ҳам айтилган эди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 28 та олий ўқув юртида 10 мингдан ортиқ талаба шу мутахассислик бўйича ўқимоқда.

Президентимизнинг юқоридаги масалаларга бағишланган Фармони ва ҳукумат қароридан кейин ушбу олий ўқув юртларида компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича таълимнинг моддий-техникавий ва илмий-тадқиқот базаси янада кучайтирилмоқда. Тошкент электротехника ва алоқа институти эса Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди.

Бу ерда кадрлар тайёрлаш тизими анча кенгайтирилди, бир неча янги мутахассисликлар ҳам киритилди. Республикаимизнинг жаҳон жараёнларига интеграциялашуни кучайтиришда бугунги талабаларнинг хизмати янги йилларда салмоқли аҳамият касб этиши турган гап.

Сўхбатдош: М. САҒАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бевосита мулоқот

Бу сафар ҳам аввалги ҳолат такрорланди. Газетамизда 30 июль кунин Адлия вазир Абдусамат Половон ҳама билан бевосита мулоқот ўтказилиши ҳақидаги эълон берилгани эсимизга таърирлатимизга «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» мухлисларидан сим орқали ва ёзма равишда қўп қавола кела бошлади. Мулоқот кунин эса вазирликка ўрнатилган алоқа телефонлари эрта тонгданок басма-басига жиринглашга тушди.

Қисқаси, мулоқот ошқора ва самимий фикр алмашиш руҳида ўтди. Вазир саволларга нимон қадар тез, лўнда ва асосли жавоб беришга интилди. Текширилиши ва атрофида ўрганилиши лозим бўлганларини эса, ёзиб олиб, улар устидан, албатта, назорат ўрнатилишини, койинчилик натижаси ҳақида эълонларига хабар қилинишини таъкидлади.

2-бет



Экология

Унга бефарқлик ҳалокатга тенг

Хизмат сафарларимдан бирида тоғлик кекса чўпон билан сўхбат қурганман. Ёшлари саксондан ошса-да, қўлидан чўпонлик тағи тунмаган бу отахондан «Узоқ яшашнинг сирини нимада?» деб сўрадим. «Иймон — эътиқодли, ҳалол ва пок одам кўп умр кўради» деди у.

Сўнг узоқ сукут сақлаб, шундай бир гапни айтди: — Тоғларда арчалар камайиб кетаяпти. Ҳеч ким гужум эммай қўйди. Ёнғоқзору тараққорларни кўпайтириш яхшино, лекин уларга парварши ҳам керак-да. Бу дарахтларнинг ҳосилати кўп... Аслида, табиатдаги ҳар бир чўпу гиёҳ борки, инсон учун фойдали. Отахон айтиб ўтган дарахтларнинг ҳосилати ҳақида мен кейинроқ қилиб олдим. Тоғликларнинг фикрича, бир туп арча битта қудук билан тенг, у қишда қорни, ёзда намни яхши сақлайди. Гужумнинг афзаллиги шундаки, у ёз саратонда тангадан офтоб нуридан ҳам ерга туширмайди, қуюқ соя беради. Қадимда халқимиз ёнғоқни «Луқмон дарахти» деб аташган экан. Олимлар эса бу дарахтнинг «хаво фабрикаси» деб баҳолашади. Негаки, у тоғ минтақаларида нурашнинг олдини олади, микроклимни яхшилаб, микробларга қирон келтиради. Бу

чоғи тоғ ҳавосини мириқиб симирамузу, сўнг у ердан долларини илдириш-илдириш билан суғуриб шаҳарга қайтади. Миллий бойлигимиз бўлган доринор гиёҳлардан ҳам қўпчилик шахсий манфаатимиз йўлида фойдаланамиз. Шифобахш ўтларни ўз билганича йиғиб, бозорда пуллаётганларга нисбатан ҳеч қандай чора қўрилмайди. Ваҳоланки, бундай гиёҳлар тури эндиликда тобора камайиб бораётганини олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Уларнинг ҳисоб-китобларига қўра, 1984 йилда «Қизил китоб»имизда 164 турдаги усимлик номи қайд этилган. Орадан беш йил ўтиб, бундай гиёҳлар номи 300 талдан ошган. Бугун-чи, бугун шундай рақамлар жамланса, янада катта қўрсаткич келиб чиқши табиий!

(Давоми 3-бетда).

«БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ»

Газетамизнинг 2002 йил 3 июль сонидида «Берада чикар жоним...» сарлавҳада мақола чоп этилган эди. Унга Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари К.МАМАТОВдан қўйилган жавобни олдик: — Ҳақиқатан ҳам, Андижон шаҳридаги «Деликатес» савдо-хориб базаси «Ултима трайд ком-

«Халқ сўзи» назоратида

Иш судда кўрилмоқда

«пани» қўшма корхонасининг Тошкент филиали билан ўзаро шартнома тузган. Бироқ базанинг мансабдор шахслари қўшма корхонанинг 10 миллион 500 миң сумлик тўлов нузи талон-тороғ қилинишига йўл қўйишди. Шундан кўра, жорий йилини бошида уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК

ЁРДАМИ АЖРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Фанқулда вазиятлар вазирлигиди Тожикистон Республикасининг таъбир оғат туфайли зарар қўрган ҳудудлариди аҳоли учун ажратилган инсонпарварлик ёрдамини манзилга етказиш масаласига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва муассасалари вакиллари иштирок этди. Тожикистоннинг Тоғли Бабайшон вилояти Даштак қишлоғида руй берган сел натижасида 21 одам ҳаётдан қўз юмиб, етминчидан зиёд бино вайронга айланган. Айни пайтда табиий офат оқибатларини тугатишга қумаклаштириш, зарар қўрган аҳолига ёрдам бериш ишлари боғлиқ юбюрдиган.

(ЎА).

Ҳуқуқий асос

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ғаллачиликда бутдойнинг «Сангзор-4», «Сангзор-8», «Купова», «Половчанка», «Чиллаки», «Енбош», «Уманка», «Марварид», арпаннинг «Амир Темур», «Хонақоҳ», «Мавлоно» каби навлари Қашқадарё вилояти шароитида тектиридан 45-50, илгор хўжалиқларида эса 60-70, ҳатто 80-90 центнердан юқори сифатли дон етиштириш имкони бermoқда. Умуман, жорий йил қашқадарёлик ғаллакорлар учун омалди келди. Қарши туманида ҳосилдорлик 44 центнер, Қасби туманида 46,1 центнер, Шахрисабз туманида 47,5 центнер, вилоят бўйича эса ўртача 40,1 центнерни ташкил этди. Бу йил вилоятда биринчи марта энг кўп — 685 минг тоннадан ортиқ дон етиштиришга эришилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун селекция ишларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш лозим бўлади. Ана шундан келиб чиқадиган бўлса, ушбу қонунни янги тахрирда қўриб чиқиш зарурати туғилмоқда. Қонун 6 бўлим ва 45 моддалан иборат. Уларда Қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар, селекция ютуқларини муҳофаза қилиш, патент эгаси, унинг ҳуқуқлари, патент бериш тартиби ва амал қилиш муддатлари, селекция ютуғининг давлат экспертизаси, лицензия бериш, селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби бир қанча муҳим қоида ва тушунчалар ўз аксини топган. Қонун селекция иши-

нинг жаҳон андозалари талабларига мос қоидалар билан тўлдирилган ва бойитилган. Аммо мулоҳаза сифатида шуни айтиш мумкинки, бугун яхши деб эътироф этилган айрим нав ёки зотлар кўп вақт ўтмай ўзининг сифат белгиларини йўқотиб қўяпти. Шунинг учун мазкур Қонуннинг 4-моддасига «Патент идораси янги яратилган ва районлаштирилган ўсимликлар нави ҳамда ҳайвонлар зотининг тозаллигини муҳофаза қилиш бўйича доимий назорат ўрнатади», деган бандни киритишни таклиф қиламан.

М. НОРМУРодов,
Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг ректори,
Олий Мажлис депутати.



Европада кучли тошқинлар

Дастлабки маълумотларга қараганда, Европада кучли тошқинлар оқибатида 70 дан зиёд киши қурбон бўлган. Табиий офат Чехия, Германия, Австрия, Италияда ва бошқа давлатларда кузатилаётган.

Айниқса Чехия тошқинлардан қаттиқ жабр кўрган. Мамлакат Бош вазири Владимир Шпидла бир йўла 5 ўлкада фавқулодда вазият эълон қилди. «Интерфакс» агентлигининг маълумоти қараганда, Прага шаҳар ҳокимияти 50000 фуқарони хавфсиз жойларга кўчиришга қарор қилган. Шаҳарда метронинг бир неча бекети сув остида қолган. Дастлабки хабарларга қараганда, мамлакат табиий офат тўғрисида 30 миллион доллар миқдорда зарар кўрган.

Шунингдек, Германиянинг Бавария ерларидаги 4 округда ҳам фавқулодда вазият эълон қилинган. Траун-

штайн ҳудудида пийдалар учун мўлжалланган кўприк вайрон бўлган, Рупольдинги сув ўраб олганлиги сабабли ташқи дунё билан алоқаси умуман узилган. Германия об-ҳаво хизмати ёғиннинг кучайишини маълум қилган. Шу тўғрисида хавфсиз жойларга кўчиришга киришди.

Австрия ҳукумати ҳам бир неча шаҳарларда фавқулодда вазият эълон қилди. Дунай дарёси топиши натижасида Иббс шаҳри бутунлай сув остида қолган. Ёрдамга муҳтож фуқаролар вертолётлар кўмагида бошқа жойларга кўчирилди.

Италияда дарёлар ўз ўзларидан чиқиб оқибатида Аоста водийсидаги бир неча аҳоли ҳудудларини сув босди. Альп тоғларида кучли қор ёғиши натижасида тоғ йўлларида ҳаракатлар ёпишган. Римда сув тошқини сабабли автомобиль ҳаракати ҳамда ҳаво алоқалари тўхтатилди.



Пиёда қолишди

Чили пойтахти Сантьягода бўлиб ўтган автобус ҳайдовчларининг намоишлари шаҳар ҳаётидан издан чиқариб юборди. Юз минглаб кишилар иш жойларига пиёда боришга мажбур бўлишди.

«Автоновости»нинг хабарига кўра, намоиш ҳайдовчилар ва автобус соҳиблари томонидан уюштирилди.

Она табият бизнинг меҳримизга, эътиборимизга ташна. Токи аждодларимиздан бизга мерос қолган табиий бойликлар ўзимиздан кейинги авлодларга ҳам насиб бўлсин. Ҳар биримиз ана шу юксак эзу мақсад билан яшаганимиз маъқул.

САВОЛ БИЗДАН...

1990 йилларда Африкада қандай янги давлатлар пайдо бўлди?

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Роттердам, Сингапур, Кобе, Нью-Йорк, Янги Орлеан.

136-35-80

Гулчохра ЖАМИЛОВА.

Хизматчилар намоиши

Исроилда давлат хизматчиларининг йирик намоишлари бўлиб ўтди. Унда юз минглаб кишилар иштирок этди. Давлат телевидениеси ва радиоси, шунингдек, поезд ва авиарейслар ўз фаолиятини тўхтатди. Намоишчилар пулнинг

тез қадрсизлашганлиги тўғрисидаги намоишларини талаб қилмоқдалар.

«Би-би-си»нинг маълумотига кўра, бу ҳукумат томонидан ўта тежамкорлик чораларига нисбатан биринчи нозоратлик намоишидир.

Ҳотамийнинг Кобулга сафари

Эрон президенти Муҳаммад Ҳотамий Афғонистонга етиб келди. Кобул аэропортида уни мамлакат президенти Хамид Карзай кутиб олди.

«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, ташриф давомида томонлар

ўртасида минтақада хавфсизликни таъминлаш, гивҳандликка қарши курашиш ва ҳозирча Эронда яшаётган афғон қочқоқларини ўз юртига қайтариш масалалари муҳокама қилинади.

Ироқ Норозу

«Би-би-си» маълумоти қараганда, Ироқ ҳукуматининг юқори лавозимли вакили мамлакатга БМТнинг инспекторлари келишига қаршиликни билдирган. Унинг фикрича, назорат тўрт йил аввал ўз ишларини ту-

гатишган. Ироқ ахборот вазири Муҳаммад Саид ал-Саҳоф «мамлакат оммавий қирини куралига эга деб таъкидлагани, ҳақиқатга тўғри келмайди» деган фикрни билдирган.

Айуқлар шаҳарга келишди

Россиянинг Ханти-Манси мухтор округининг Радужный шаҳри яқинидаги автобус бекетларидан бирига ўрмондан 4 айуқ чиқиб келди. Шошилиб қолган йўловчилар зудлик билан милиционерларни чақирдишди. Етиб келган тартиб посполлари ча-

қирилмаган меҳмонларга нисбатан қурол ишлатишга мажбур бўлишди. Чунки айуқлар фуқаролар ҳаётига таҳдид солишди.

«Интерфакс»нинг маълумоти қараганда, бу хил воқеа сал илгари ҳам рўй берган.

Семирингизга қарши тадқиқот

Америка ва британиялик олимлар ҳамкорликда ўтказган тадқиқотлар орқиб вазида қийналаётганлар учун хушхабар олиб келиши мумкин. Мутахассислар «РУЭ-36» деб ном олган гормонни ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Гормон миёга киши тўғрисида ҳақиқатда белги беради, натижада инсон ўзини тўқ ҳис қилади ва овқатланишдан тўхтайд.

12 июль кўнгилли иштирок этган тадқиқотлар ушбу гормонли препарат танага юборилиши натижасида улар анча кам овқат истеъмол қила бошлаганини, бундан ташқари препарат кўп вақт иштаҳани бўғиши мумкинлигини кўрсатган.

Айни пайтда тадқиқотлар кўпчилигида қизиқарли уйғотмоқда, чунки у «семирингиз эпидемияси»га қарши курашда муҳим омил бўлиши мумкин.

«Мембрана.ру»нинг маълумоти қараганда, ҳозир дунёда 300 миллиондан зиёд киши орқиб вазида қийналаётган фестивалга тайёргарлик қилиш давом этмоқда.



ҲИНДИСТОН. Узоқ кутилган муссон ёғинлари ниҳоят бошланди. Шу муносабат билан ўтказилган фестивалга тайёргарлик қилиш давом этмоқда.

Экология

Унга бeфaрқлик ҳалокатга тенг



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бейхитёр дилингиз хира тортиди. Сал юриб, бундан ҳам хунуқроқ манзарага дуч келасиз. Супуринди ахлат тўлдирилган целлофан пакетни тунда дайди итлар у ёқдан бу ёққа судраб тортиди, натижада турли чиқиндилар бутун йўлак бўйлаб сочилган... бу ҳолатни кўриб энди астойдил гашингиз келади. Ахир биз инсонлар азал-азалдан гўзалликка интиламиз, покликни қадрлаймиз, орасталиқдан қувонамиз. Бу борада бобо-буваларимизнинг турмуш тарзи ҳавас қилгудай бўлган. Улар «ахлат тўпланган жойдан фаршга қочади» деган ўғтини тез-тез такрорлаб, супуринди ва ахлатларни ҳовли четидидаги махсус ўраларга қўриб ташлаганлар. Айниқса, ёз ойларида ҳовли ва кўчаларни «ёғ тушса ялағудек» ораста туттишган. Уларнинг айтишича, поклик ва сариштиликка ҳикмат бор. Чунки, саришта бўлмаган жой, аввало, табиатнинг ҳуснини бўзди, кишиларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, инфлос ерда чивин ва пашшалар урчиб кўпади. Масаланинг гоят ташвишли томони ҳам шунда. Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, ахлат уюмида кўпайган пашшалар полиомелит ва боткин касаллигининг тарқалишига сабабчи бўлади. Ёрилган ёки чириган қувурлардан оқаётган сувларда эса юқумли хасталиқларни кўзгоғичи бактериялар мавжуд экан. Чикинди сувларда вабо виб-

риони, ошхона супуридиларида ичбурғ таъқаси, уй супуридисидега куйдирги микроблари ураркан. Шифокорлар фикрига кўра, кўча ва йўлақларда узоқ қолиб кетган чикинди ахлатларда қорин тифи, паратиф (захарланиш), туберкулез ва яна бир қанча юқумли хасталиқларни келтириб чиқарадиган микрорганизмлар сақланади.

Ақсарият қишлоқ ва маҳаллардаги ҳовилар ён-офида, кўп қаватли уйлар оралиғида чикинди ахлатлар кун бўйи очиқ-сочиқ ҳолда ётаннинг гувоҳи бўламиз. Аслида эса шаҳарда чикиндиларни ҳар кун олиб кетиш учун махсус транспорт хизмати ташкил этилган.

— Ташиб кетилмаган чикиндилар учун биздан ойма-ой пул йиғиб олишди, лекин ахлат йиғиш машиналари икки-уч ҳафтадама қорасини кўрсатмайди, — дейди Тошкент шаҳрининг Ақмал Икромов туманидаги Оқтепа маҳалласида яшовчи Холниса ая Ҳотамбоева.

— Уй ҳавосини янгилаш учун эрта тонда дераза ойналарини очамиз, шу заҳотиёқ яна уни ёпамиз. Чунки «дом»имиз ҳовлисини уч-тўрт фаррош чангитиб супуришаётган бўлишди. Шу тўғрисида? — дейди Мирзо Улугбек туманининг Гулистон маҳалласидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи онахон.

Кўча ва ҳовиларни супуришда чанг ва зарарли микроблар ҳавога кўтарилади. Бу эса эрталаб ишга отланаётган кишилар саломатлигига зиён етказди. Шундай экан, бу юмушнинг эрта саҳарда ёки болалар бочга ва мактабга, катталар ишга кетганларидан сўнг бажариш

маъқулроқ эмасмикин?!

Она табият — гўзалликлар манбаи. Доимо соғсаломат юришимиз ва узоқ умр кўришимизга хизмат қилгуви ҳар бир нарса табиат кучида мавжуд. Биз улардан завқ оламиз, бироқ ўзимизники бўлган шу бойликларни асраш кераклигини унутамиз. «Ўзимизники» деган сўзнинг мазмунини аслида жуда кенг... Биз-чи, биз нималарни ўзимизга дахлдор деб ҳисоблаймиз? Агар уйимиздаги кран жўраги бузилса ё қайсидир қувур ёрилса дарров уни тузатиш йўларини ахтарамиз. Бордию кишлоғимиз ё маҳалламиз ўртасидаги кран жўраги ишдан чиқса ёки қувур ёрилиб сув қўчаларда «дарё» бўлиб ётса-да, буни кўрмаганга оламиз. Ахир кўпчилик бўлиб шу кранни тузатиб қўйиш мумкин-ку. Ҳафталаб туриб қолган ахлат уюмлари ҳақида тегишли идораларга хабар қилса, ёрилган сув қувурларини тузатиш хусусида мутахассис ташиқлотларни оғоҳ этсак, бу ишимиз билан кўпчиликнинг мушкуллини осон қилган бўламиз, шундай эмасми? Бироқ, ўзгалар манфаати йўлида хизмат қилмоқликка негизир шиймаймиз...

Она табият бизнинг меҳримизга, эътиборимизга ташна. Токи аждодларимиздан бизга мерос қолган табиий бойликлар ўзимиздан кейинги авлодларга ҳам насиб бўлсин. Ҳар биримиз ана шу юксак эзу мақсад билан яшаганимиз маъқул.

Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини муносиб нишонлаш мақсадида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Сўм карточкаси» омонати бўйича аънанавий совринли ўйин ўтказди.

Сиз 10.000 сўмдан 500.000 сўмгача бўлган ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин. Бундай ноёб имкониятни қўлдан чиқарманг.

Тиражда 2002 йил 1 сентябрга қадар очилган барча сўм карточкалари иштирок этади.

Ўйин 2002 йил 10 сентябрда ўтказилади. Тираж натижаларини Ўзмилийбанкнинг барча муассасаларидан билиб олишингиз мумкин.

Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа корхоналари, ёнилғи қуйиш шохобчаларида Ўзмилийбанк сўм карточкаси ёрдамида товарлар харид қилганингизда ва хизматлар ҳақини тўлаганингизда қулайликни ҳис этасиз.

Сўм карточкаларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан бепул олишингиз мумкин. Алоқа учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83. www.nbu.com

Корхоналар ва ташкилотлар диққати! Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармаси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

қуйидагилар учун пудрат савдоси (тендер) эълон қилади:

электр-жиҳозлар, ёриткич асбоблар, ҳар-хил кабеллар, назорат-ўлчов асбоблари, иситкич қозонлари, музлаткичлар, ёнгинга қарши жиҳозлар, сигнализация ва алоқа асбоблари ва кам қувватли тизимлар, ўқув жиҳозлари, савдо-технологик жиҳозлар.

Буюртмачи: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти капитал қурилиш бошқармаси.

Материаллар давлат бюджети ҳисобидан сотиб олинади. Таъминотчи ташкилотлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятлар, тажриба ва нуфуз, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа ресурсларга эга бўлиши, шунингдек шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиши лозим.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда қабул қилинади. Оферталарнинг савдо ташкилотчисига тақдим этиш охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Оферталар эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин соат 15.00да ККБ биносида очилади.

Манзил: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва фирмалар диққати!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармаси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

ПУДРАТ САВДОСИ (ТЕНДЕР)НИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Навоий вилояти касоба уюшмалари кенгашининг 80 ходимга мўлжалланган маъмурий биноси қурилиши.

Буюртмачи: Навоий шаҳри, Гусев кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган Навоий вилояти касоба уюшмалари кенгаши.

Қурилиш Ўзбекистон Республикаси касоба уюшмалари федеративиси маблаглари ҳисобидан олиб борилади.


Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятлар, тажриба ва нуфуз, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа ресурсларга эга бўлиши, шунингдек шартнома (контракт) тузиш фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиши лозим.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда қабул қилинади. Оферталарнинг савдо ташкилотчисига тақдим этиш охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Оферталар эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин соат 15.00да Навоий вилояти касоба уюшмалари кенгаши биносида очилади.

Манзил: Навоий шаҳри, Гусев кўчаси, 2-«А» уй.

2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили



айтиб қолди. Дарҳақиқат, юздан ортиқ кексалар юрак амрига қулоқ тутиб ёш деҳқонлар, пахтақорю соҳибдорларга маслаҳат, малада беришадиган экан. Ана шу савий-ҳаракат ташаббускорлардан бири Ҳамроқул ота Уринбоев билан пайкал бошида гурунг қурдик.

Камарбасталик

Фаргона вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Шоқиржон ҒАНИЕВ билан мулоқот

— Маълумки, юртимиз истеҳсолда эришган дастлабки йилларда кучли ижтимоий сийёсат давлат бошқаруви билан бирга амалда. Шу боис азал-азалдан, қадим-қадимдан кексаларни, ёши улгайган ҳаммиса ардоқлаб, бошига кўтариб юртимизда инсоний эътибор ва таъхирлик тобора кучайиб бормоқда. Билишимизча, вилоятда 300 миңга яқин фахрийлар мавжуд. Уларни ижтимоий жиҳатдан қароқўлга ҳимоялаш бўйича қандай ишлар амалда олишганми?

«Деҳқончиликда кўт-барак кўп, — дейди отахон. — Ахир, деҳқон далага қўш чиқарганда яхши ният билан дуога қўл очди. Пахта фирромлик ва нопокликини кўтармади. Йил — ун икки ой далада меҳнат қилган ота-боболаримиз ҳар туп экинни млоҳий мўжиза, деб билган, унга меҳр-муҳаббатини бақшида этишган, сиқидилан парвариш қилишган. Биз жойларда бўганимизда кексаларнинг мана шу ўғитини, мана шу ҳикмати-ни ҳар бир деҳқон қалбига синдиришга ҳаракат қилаймиз».

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

эйбор қаратилмоқда. Вилоятимизнинг ҳар бир кишига, маҳалласида ёлғиз яшовчи кексалар рўйхати олинди. Айни кунда уларга ҳолий ташкилотлар, тадбиркорларнинг оталиқ ёрдами кўйилган. Муҳтож ва ёлғиз қарияларнинг уйларига бориб хизмат кўрсатишмоқда. Эҳтиёжман оилалар, ногиронлар коммунал тўловлардан озод қилинган. Жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалар, тадбирқору фермерлар хайрия тадбирларида фаол иштирок этишяпти. Масалан, «Қувасойчинини» корхонаси уруш ва меҳнат фахрийларига ички нафақалар тайинлади, уларнинг уй-жой шартларини яхшилаш, ёлғизларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағ ажратди. Чинниозларнинг бу хайри ишларидан барча мамнун.

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-


Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-



Шарин каломи, пурмавно гап-сўзлари билан ҳаммиса фарзандлари қуриовида бўлувчи, суратдаги Солиҳа аяни Наманган тумани Ирвадон қишлоғидаги яхши билишди. Ая мустақиллик туйғули кўплар қатори Ҳаж зиёратига бориб, ҳожи она бўлиб қайтганлардан. Шу боис у ҳар сафар ўғил-қизлари, набиралари даврасида одоб-ахлоқ, ҳалоллик-поқлик, имон-ойнот, меҳр-оқибатдан панд-насихатлар қилади.

Янгича тараққиёт таҳлили

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-



Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Малик чўли бағридаги шахарча

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

Ҳақиқатан ҳам муносиб ҳисса бер, деб улайман. Яна бир доллар масала — аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини олайлик. Бу борала ҳам фахрийларимиз камарбаста, бош-қош. Қўсқа мудат орасида деярли барча маҳаллаларда қайта хатлов ўтказилди, ишсизларни иж-

«Халқ сўзи» га 9.00 дан 18.00 гача. Тел. факс: 136-09-25, 132-10-63. 256 - хона

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» давлат-акциядорлик компанияси. 2002 йил 15 августдан 1 сентябргача кузги САВДО-ЯРМАРКАСИНИ ўтказди. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй, (мўлжал: Бобур номли маданият ва истироҳат боғи). Маълумот учун телефонлар: 53-28-41, 53-79-39.

Мухтарам юртдошлар! ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ «ОЗИКОВКАТСАНОАТ» УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ ЯШИЙДА «ЛАЗЗАТ» ҚАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ. севарли яқинлашиб келаётган қўлгай байрам — Мустақилликнинг 11 йиллиги билан қўлгай байрам дастурхонингизга 60 турдан зиёд қандалат маҳсулотларини тортмиқ этади. Улғуржи харидорлар учун бежирим қадоқланган янги 10 турдаги шоколадлар, 20 турдаги конфет, 20 турдаги печеньеларни, лимонли, апельсинли, мевали ва виноқли 10 хил шириндан-ширин вафллар ва нон маҳсулотлари учун хамиртурушларни ҳамда «Лаззат» деб номланган тортлар пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга тақлиф этилади. Манзилимиз: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1-«А» уй, «АПКО ЛАЗЗАТ» қандалат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти. Тел./факс: 8(260) 2-69-10, 2-82-34.

«ФАЙЗ» холдинг компанияси барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган байрам — Мустақилликнинг 11 йиллиги билан қўлгайди! Байрам муносабати билан 20 июлдан 20 сентябргача 26 хил мебелли 20 фоиздан 25 фоизгача арзонлаштирилган нархларда харид қилишни тақлиф этади. ТОШКЕНТДАГИ ФИРМА ДУКОНЛАРИ МАНЗИЛЛАРИ: «Файз-Сити», (аввалги «Болалар дунёси») «Файз-Мебеллар уйи», Сирғали деҳқон бозори «Файз-3», «Сирғали-3» мавзеси, савдо ярмаркаси «Файз-1», «Сирғали-4» мавзеси, «Файз» заводи ёнида «Файз-Фарход», «Фарход» бозори «Файз-Уриқзор», «Уриқзор» мавзеси «Тулаган Ҳожи» ХФ, «Эски Жува» бозори Тошкент шаҳар ҳокимиятининг моддий-техника таъминоти бошқармаси, Уста Ширин кўчаси, 34-уй ҳамда Фарғона вилояти, Богдоқ шаҳридаги дукон, Маълумот учун телефонлар: 58-03-99, 58-12-22.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси А. Раҳмонова укаси Абдьям РАҲМОНОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Театр» камовига падали бузқувори ТЕМУР отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади. ЎзР ФА «Замонавий инфорацион технологиялари» илмий-техникавий маркази жамоаси лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори Ш. Назировга отаси АБДИРОЗИҚ отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади. «Мулдор» газетаси тахририяти Шарк АК «Тошкент ҳафтанома» нашрининг реклама муҳаррири Талғат Юсуповга волидаи муҳтарамаси ИҚБОЛ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради. «Ўзнефгазқурилиш» акционерлик компанияси жамоаси жон Зокирова умр ўрлоли ТУРСУНОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «Шарофидин» масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият раҳбари вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига чуқур таъзия ихдор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Сотувда баҳоси эркин нархда. Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мусавҳах — Ш. МАШРАББОВ. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. — тижорат материали. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 21.40. 1 2 3 4 5 6